
МАРҒИЛОН ШАҲАР БОЗОРЛАРИДА ТАДБИРКОРЛАР ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛМОҚДА

Вилоят адлия бошқармаси, Марғилон шаҳар ҳокимлиги ва шаҳар солиқ инспекцияси ҳамкорлигидаги Марғилонда жойлашган марказий бозорларда, савдо мажмуаларида ҳамда жамоат гавжум обьектларда тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият юритиб келаётган фуқаролар қонуний тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш тадбирлари ташкил этилди.

Олиб борилган тушунтириш ва тарғибот ишлари натижасида бир куннинг ўзида сайёр тартибда 321 нафар фуқаро тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтди. Бунинг натижасида фуқаролар қонуний иш билан таъминланиб, маҳаллий бюджетга солиқ тушумларини ошишига, шунингдек, қўшимча иш ўринлари яратилишига замин ҳозирланди.

Бу каби сайёр хизматлар Марғилон шаҳри бозорларида ҳафта давомида амалга оширилади.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-08-02 14:19:40